# АРХИТЕКТУРА РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШАРТНОМАСИ №02а

**Навоий шаҳри** "01" 02 2022 йил

**Навоий вилояти Қурилиш бош бошқармаси** (бундан буён матнда **"БАЖАРУВЧИ"** номидан унинг (08.04.2021 йилдаги 1/29-к-сонли буйруққа асосан) бошлик ўринбосари **А.Холмуминов** бир томондан ва иккинчи томондан **Ғозғон шаҳар ҳокимлиги** А.Бозоров (бундан буён кейинги ўринда **"БУЮРТМАЧИ"**деб юритилади)лар мазкур шартномани тузди лар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

**1.1.**Ушбу шартнома бўйича **"БАЖАРУВЧИ", "БУЮРТМАЧИ"**нинг буюртмасига асосан **АРТ** тўпламини тўпламини 1 (бир) нусхада ишлаб чиқади ва электрон тарзда тақдим этилади.

**1.2. "БАЖАРУВЧИ" "БУЮРТМАЧИ"**нинг буюртмасига кўра иловада кўрсатилган объект лойиҳалаштириш учун **АРТ** тўпламини ишлаб чиқариш мажбуриятини олади.

## 2.ИШЛАР ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

**2.1.** Бажарилган ишлар учун **"БУЮРТМАЧИ"** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сонли қарорига асосан иловадаги рўйхатда кўрсатиб ўтилган **22 та объектнинг жами суммаси 23 760 000 (Йигирма уч миллион етти юз олтмиш минг) сўмни** ташкил этади.

**2.2.** Мазкур шартнома бўйича ҳисоб китоблар пул кўчириш йўли билан олдинган **30%** яъни **7 128 000 (Етти миллион бир юз йигирма саккиз минг)** сўм маблағни тўлаш йули билан, қолган **70%** миқдоридаги **16 632 000 (Ўн олти миллион олти юз щттиз икки минг)** сўм иш бажарилгандан сунг амалга оширилади.

## 3.ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

**3.1. "БАЖАРУВЧИ"**ушбу шартноманинг **1.1.-бандида** назарда тутилган ишларни шахсан ўзи бажариши шарт.

**3.2.** Ишлар бажарилгандан сўнг **"БАЖАРУВЧИ""БУЮРТМАЧИ"**га бажарилган ишларни топшириш қабул қилиш далолатномасини тақдим этиб, унга ҳисоб-фактура (счёт-фактура) илова қилинади.

**3.3.** Ишлар натижаларидан қониқмаган **"БУЮРТМАЧИ"** далолатномани олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида **"БАЖАРУВЧИ"**га ишларни қабул қилишдан бош тортиш тўғрисида асосланган ёзма радномa юбориши шарт.

**3.4. "БУЮРТМАЧИ"**нинг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома тузадилар ва унда қўшимча бажариши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатадилар.

**3.5.**Ишларни бажариш жараёнларида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқэмаслиги аниқланган тақдирда, **"БУЮРТМАЧИ"** бу ҳақида **"БАЖАРУВЧИ"**ни хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

## 4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

**"БАЖАРУВЧИ"нинг мажбуриятлари:**

**4.1.** Ишни ва унга оид хужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида **"БУЮРТМАЧИ"**га сифатли ва ўз вақтида топшириш.

**"БУЮРТМАЧИ"нинг мажбуриятлари:**

**4.2. "БУЮРТМАЧИ"**нинг буюртмасига асосан тегишли хужжатларни камчиликсиз тўлик етказиб бериш.

**4.3.**Бажарилган ишни 3 (уч) ишкуни муддатида кўздан кечириш, ишнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аникланган тақдирда, **"БУЮРТМАЧИ"** шу муддатда **"БАЖАРУВЧИ"**га аниқланган камчиликлар ҳақида маълумотлар акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади.

4.4. Шартномада келишилган маблағни белгиланган муддатда тўлайди.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

**5.1. "БАЖАРУВЧИ"** ушбу шартномада белгиланган муддатда ишларни бажармаганда **"БУЮРТМАЧИ"**га кечиктирилган ҳар бир кун учун олинган мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш мажбуриятларини бузган тарафни шартномавий мажбуриятларини тўла бажаришликдан озод этмайди.

**5.2. "БУЮРТМАЧИ"** бажарилган ишни қабул қилишни рад килса **"БАЖАРУВЧИ"**га рад этилган қисми кийматининг 0.5 % миқдорида пеня тўлайди. Пеня миқдори шартноманинг рад этилган қисми киймати 50% дан ошмаслиги шарт.

5.3. Пеня тўлаш – тарафларнинг мажбуриятларни бажариш ёки бузилган ҳуқукни бартараф этишдан озод этмайди.
5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.

6.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.
6.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда низо талабнома билдириш тартибига риоя қилингандан кейин, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тегишли суд органларига мурожаат этилади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.

7.1. Томонларнинг хохиш - истагига мутлако боғлик бўлмаган холларда (Нокулай об-хавошароитлари, зилзила, сув тошкини ва бошка табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки кисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган)лиги,шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб хисобланмайди ва ушбу холатда томонларнинининг шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

## 8. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ. ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1. Шартнома тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.
8.2. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий хисобланади.
8.3. Шартнома муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.
8.4. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф, иккинчи тарафга 2 (икки) кун олдин ёзмабилдиришнома юбориши шарт.
8.5. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, биринчи нусхаси "БАЖАРУВЧИ"да ва иккинчи нусхаси "БУЮРТМАЧИ"да сақланади.
8.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунга ва бошка тарафлар учун бажариш мажбурий бўлмаган меъёрий хужжатларбилан тартибга солинади.
8.7. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб Ғазначиликдан рўйхатдан ўтгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

Бажарувчи: **"Навоий вилояти Қурилиш бош бошкармаси"**
Манзили: **Навоий шаҳар Зарапетян кўчаси 10 -уй**
**Тел: 0 (436) 220 – 50 – 06, факс 220 – 50 – 08**
**ШХР: 400121860124017044303130001**
**ИНН: 200850797 ОКОНХ:69000 МФО: 00014**
**Ўз.Рес. Молия Вазирлиги Ғазначилиги**
**Х/Р: 23402000300100001010 ИНН: 201122919**
**Банк: Тошкент ш.Марказий банкнинг ХККМ**
**Бош бошкарма бошлиғи ўринбосари**

**А.Холмуминов** ______________________

**Ҳуқукшунос: Р.Арзиев** ______________________

Буюртмачи: **Ғозғон шаҳар ҳокимлиги**
Навоий вилояти Ғозғон ш.
шхр. 10002286012418701120401 8003
инн: 207329307
мфо 00014.
Навоий вилоят ғазначилиги
______________________
______________________ А.Бозоров
______________________ Ю.Қориев